

**ТУРКИЙ ТИЛЛАРДАГИ ПАРАЛЛЕЛ ГИДРОНИМИК  
ИНДИКАТОРЛАР ХУСУСИДА**  
ABOUT PARALLEL HYDRONOMIC INDICATORS AT  
TURKISH LANGUAGES

Носиржон УЛУҚОВ\*

**Түйіндеме**

Мақалада гидронимнің әртүрлі сөз бірліктерінің эквиваленттері, ономастикалық көрсеткіштің ономастикалық міндеті ретінде түрік тілін қалыптастыру сияқты су өсімдіктерінің бір бөлігі және объектілердің түрі, сипаттамалары және лексикалық және семантикалық ерекшеліктердің эквиваленттері, этимологиялық, фонетикалық және лексикалық таңдаулар сияқты объектілердің басқа түрлері, Жарықтың түрі дәлелдемелер негізінде қолдану деңгейі ретінде сипатталады.

**Түйін сөздер:** гидроним, гидронимик көрсеткіші, гидронимия, ономастикалық тапсырма, фонетикалық таңдау, мотивация, синонимдер, тарихи және этимологиялық көздер, диалектілер.

**Summary**

In the article type of water object and reservoir for water as the component of hydronyms were described that to show, characterize, differ from other such kind of objects, onomastic tasks of parallel hydronomic indicators at Turkish languages, which service to form lexical units as hydronyms, their lexical and semantic, etymologic features, phonetic and lexical versions, equivalents, forming, degree of using and other matters.

**Key words:** Hydronomy, onomastic task, phonetic version, formation, synonym, historical-etymologic source, dialectic, grand language.

Гидронимлар таркибида қўлланиб, ном ифодалаётган объектнинг қандай сув объекти ва сув иншооти эканлигини англатувчи луғавий бирликлар гидронимик индикаторлардир. Масалан, *ариқ, қўл, сой, қудуқ, булоқ, дарё* каби.

Туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили ва унинг шевалари гидронимик индикаторларга бой. Гидронимик индикаторлар гидронимларнинг таркибий қисми сифатида қуйидаги ономастик вазифаларни бажаради:

---

\* Филология фанлари доктори, ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори, Наманган давлат университети. Наманган-Ўзбекистон.  
doctor of philological sciences, Professor of the Department of Uzbek language and literature, Namangan state university, Namangan, Uzbekistan. E-mail: [onomastika66@mail.ru](mailto:onomastika66@mail.ru)

а) гидроним ифодалаётган сув объекти ва иншоотининг турини кўрсатади, конкретлаштиради;

б) объектни номлашда гидроним таркибида қатнашади;

в) сув объекти ёки иншоотини характерлайди;

г) сув объектини бошқа шундай объектдан фарқлайди.

Туркий тиллар ва шеваларда бир қанча параллел гидронимик индикаторлар кузатилади. *Айдин* сўзи қозок тилида “*катта ҳовуз*”; қирғиз тилида “*чуқур ва текис жой*”; қорақалпоқ тилида “*сув сатҳи, ярқироқ жойи, товланиб турган сув юзи*” маъноларини англатади (Абдуллаев, 1966: 95).

Ўзбекистон Республикасининг Хоразм вилояти гидронимиясида ҳам *айдин* гидронимик индикатори кузатилади. Индикатор “*кўл, кўлнинг чуқур жойи, кўлнинг ўсимликсиз очиқлик жойи, ўртаси*” каби маъноларга эга. Худ-ди шу маънода *Қамышли айдин, Қарангайдин, Айдинкол* гидронимлари таркибида учрайди (Дўсимов, 1985: 72). Ўзбек тилидаги географияга оид терминлар луғатида *ойдин* сўзига “*юзаси тоза, очиқ сув, кўл*”, – деб изоҳ берилган (Ғуломов, 1994: 80).

*Булоқ* – ер остидан отилиб, қайнаб чиқувчи сув ва шундай сув чиқиб турган жой. Мазкур гидронимик индикатор ҳозирги ўзбек адабий тили ва шеваларида *кўз, чашма, манба* каби синонимларга эга. Сўзнинг туркий, мўғул, тунгус-манжур тилларида *булак, булаг, булоқ, булақ* каби фонетик вариантлари кузатилади (Мурзаев, 1984: 100).

Қадимги туркий тилда *bulaq* сўзи “*чашма*”, “*канал*”, “*ариқ*” маъно-ларида қўлланган. В.В. Радловнинг кўрсатишича, сўз татар тилида *болак* шаклида “*канал*”, “*ирмоқ*” маъноларида кузатилади (Радлов, 1888–1911). Тува тилида “*тоғли водий*” маъносида қўлланади (Донидзе, 1969: 169-171). Апеллятив олтой тилида *булак*; хакас тилида *пулук, пулак*; турк, озарбайжон тилида *булак*; бурят ва мўғул тилларида *булаг*; қалмиқ тилида *булг*; эвенк тилида *булак, болак* шаклларида айнан юқоридаги тушунчаларни англатади (Мурзаев, 1984: 100). Этимологик луғатларда мазкур лексема қадимги туркий тилдаги “*оқиб чиқ*” маъносини англатувчи *булла-* феълидан *-қ* қўшимчаси билан ясалган деб тахмин қилинади (Севортян, 1976: 263).

Ўзбекистон гидронимиясидаги фаол гидронимик индикаторлардан бири *сой*дир. Гидронимик индикатор Ўзбекистондаги барча вилоятлар гидро-нимик тизимига хос: *Косонсой, Чортоқсой, Сассиқсой, Самансой, Мойлисой, Жулайсой, Жийдасой, Курносой,*

*Кандисой, Кечитсой, Равотсой, Резаксой, Сансалоқсой, Селгасой* (Нам. в.), *Андижонсой, Шахрихонсой, Аравонсой* (Анд. в.), *Қувасой, Шўхсой* (Фар. в. Қува т.), *Бахмалсой, Бешарчасой* (Жиз. в.), *Бақироқсой, Бешторой* (Тош. в.) каби юзлаб гидронимлар таркибида учраши ҳам фикримиз далилидир. Ўзбек тили гидронимиясида сой гидро-нимик индикатори юқорида келтирилган гидро-нимлар таркибида “*адир, тоғ оралигидаги ва шундай жойлардан бошланувчи сув йўли, сув объекти*” маъносини англатади. Географияга оид терминологик луғатларда сой сўзига «*водий, ирмоқ, сойлик, эски ўзан, ясси жар*» деб изоҳ берилган (Ғуломов, 1994: 97).

Сой сўзи X-XI аср ёдгорликларида, жумладан, Махмуд Кошғарий луғатида “*қора тошли ер*”, “*вулқон оқибатида пайдо бўлган тошлоқ жой*” маъноларида учрайди (Девону луғотит турк, 1967: 204). Соё гидронимик индикатори тарихий-этимологик жиҳатдан умумтуркий қатламга мансуб бўлиб, олтой, уйғур, татар ва бошқа бир қатор туркий тилларда соё // сай, бошқирд тилида *һай* шаклида қўлланади. Соё бошқирд тилида “*саёз жой, саёзлик*” маъноларини англатади. Қозоқ тилида соё сўзи “*жар*”, “*дара*”, “*ирмоқ*”, “*настқам ер*”, “*наст-лик*”, “*кичик тоғ дарёчаси*”, қорақалпоқ тилида “*жар*” маъноларини билди-ради. Соё ўғуз гуруҳига мансуб озарбайжон ва усмонли турк тилларида *чай* шаклида “*ариқча*”, “*дарё*” маъноларида қўлланади (Мурзаев, 1984: 491-492). О.Молчанова индикаторнинг *сай*, яъни соё шакли туркий, *чай* шакли эронча деб кўрсатади (Молчанова, 1976). Бизнингча, индикатор туркий тилга мансуб, бошқа тилларга туркий тиллардан ўзлашган.

Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжасига мансуб Хоразм шевасида *йап* (адаб. орфо. ёп) гидронимик индикатори фаол қўлланади. Мазкур сўз турли фонетик вариантларда ўзбек тилидан бошқа туркий тилларда: қорақалпоқ тилида *йап* // *жоп*, қозоқ тилида *джап*, туркман тилида *яп* шаклида кузатилади: *Акяп, Караяп, Кадыряп, Аджияп* (Тур. Рес.), *Сақўзёб, Караён, Тошён, Шўрён* (Қорақал. Рес.) (Дўсимов, 1985: 70) каби.

Бу индикаторни Э. М. Мурзаев “*катта ариқ*”, “*канал*” деб изоҳ беради (Мурзаев, 1984: 645). Н. А. Баскаков *яп* туркман тилида “*магистраль канал*” маъносига эга-лигини кўрсатади (Баскаков, 1969: 66). Кўп тадқиқотчилар сўзни эроний тиллардаги *об* (сув, дарё) сўзи билан алоқадор деб қарайдилар (Мурзаев, 1984: 645; Доможков, 1957: 181).

Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжасига мансуб Хоразм шеvasида *йап* (адаб. орфо.) гидронимик индикатори фаол қўлланади. Индикатор турли фонетик вариантларда ўзбек тилидан бошқа туркий тилларда: қорақалпоқ тилида *йап* // *жоп*, қозоқ тилида *джап*, туркман тилида *яп* шаклида кузатилади: *Акяп, Караяп, Кадыряп, Аджияп* (Тур. Рес.), *Сакўзёб, Кара, Тош, Шўр* (Қорақал. Рес.) (Дўсимов, 1985: 70) каби.

*Ёп* ўзбек тилидаги географияга оид терминологик луғатда “*ўрта ва кичик канал*” деб изоҳланади (Ғуломов, 1994: 42). Хоразм этнотопонимларини ўрганган А.Отажонова маҳаллий шевада *ёп, канал* гидронимик индикаторлари тенг қўлланишини, бироқ канал ёпга қараганда каттароқ ҳажмда бўлишини кўрсатади (Отажонова, 1997: 90). Демак, ёп гидронимик индикатори ўзбек тилининг Хоразм шеvasига хос бўлиб, гидронимлар таркибида «*катта ариқ*», «*кичик канал*» маъноларида қўлланади: *Қумёп, Богёп, Эшонёп, Шўрёп, Тошёп* (Қорақал. Рес. Амударё т.) *Уйғурйап, Найманйап, Ҳассайап, Янгийап, Бўзийап, Хизирлийап, Чавдырйап* (Хор. в.) (Отажонова, 1997: 90) каби.

*Жилга* – тоғ ва тоғ ён-бағирларидан оқиб тушадиган кичик сой, йилға (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006: 88). *Жилга* гидронимик индикаторини Ш.Раҳматуллаев “*кичик оқин сув*” деб изоҳлайди (Раҳматуллаев, 2000; 103). Этимологик луғатларда *жилга* қадимги туркий тилдаги сув маъносини англаган *йўл* сўзидан “*кичик*” маъносини ифодаловчи *-га* қўшимчаси билан ҳосил қилинган, деб изоҳланади (Севортян, 1976; 37; Юдахин, 1965: 281). Ш.Раҳматуллаев тал-қинича, кейинчалик ўзбек тилида сўз бошидаги *й* ундоши *ж* ундошига ўтган, *ы* унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган. Демак, сўзнинг лисоний шаклланиши қуйидагича: *йыл + га = йылга > жылга > жылғә*.

Э. М. Мурзаев *жилга* гидронимик индикатори қозоқ тилида *жилга* тарзида “*ариқча*”; озарбайжон тилида *жылга*, туркман тилида *жылка*, татар диалектларида *жилга* каби фонетик вариантларда “*қуруқ овраг*” маъносида қўлланиши ва бошқа туркий тилларда *елга, илга, йилга, йылга* шаклларида кузатилишини кўрсатади (Мурзаев, 1984: 180).

Л. В. Дмитриеванинг таъкидлашича, Рясянен ҳам *жилга* юкоридаги шаклларда барабин татарлари тилида, қозоқ, татар тилларида “*дарёча*”, “*ирмоқ*”, “*жарликка оқиб тушаётган дарёча*” маъно-ларида қўлланишини қайд этади. Унинг фикрича, мазкур сўз мўғулча: *žilγa*. Олим ўз қарашларини мўғуллар билан ёнма-ён яшаётган

туркий халқлар тилида бу сўзнинг кам қўлланиши билан асослайди (Дмитриева, 1984: 163).

С. Қораевнинг кўрсатишича, *жилга* бир қанча туркий тилларда *йалка*, *йолқа*, *йалқов*, *йолга* шаклида учрайди (Қораев, 1979; 168). Х.Жабборов фикрича, *жилга*, *жилга*, *йилга* умумтуркий *йўл* сўзидан ясалган ўзақдош сўзлардир. Жанубий Ўзбекистоннинг тоғли жойларида *жилга* – ўтлар орасидан жилиб, (йўл топиб) чиқадиган сувлардан пайдо бўлувчи дарёча, ариқ. *Жилмоқ* – сурилмоқ феълидан ясалган бўлиши мумкин (Жабборов, 2004: 52). Бизнингча, Ш. Раҳматуллаев фикрлари асосли. Ўзбек шеваларида сўзнинг *йилга* фонетик варианты ҳам кузатилади.

**Ёрмиш/йармиш** гидронимик индикатори *Йармиш*, *Бозйармиш*, *Кичийармиш* каби Хоразм гидронимлари таркибида “*кичик ариқ*” маъно-сида қўлланади (Дўсимов, 1985: 71). Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида *йармиш*//*джармиш* шаклида дарёдан сув оладиган “*ариқ*, *канал*” маъносини англатади (Ишаев, 1977: 79). Бу индикатор туркман тилида ҳам учрайди: *КСнә йармиш канали* (Анатиязов, 1973: 118). Бизнингча, индикатор қадимги туркий тилдаги “*йа:р*” – “ажрат, қаз” асосига *-миш* сифатдош шаклининг қўшиливидан ясалган: *йар+миш* > *йармиш*.

Гидронимик индикаторлари ўзи ифодалаётган сув объекти ёки иншоотининг характерига кўра табиий ва сунъий, ҳажм хусусиятига кўра йирик ва кичик сув объектларига ишора қилувчи индикаторларга бўлинади. Булар доирасида сунъий, микрогидронимлар (кичик сув объектлари)га ишора қилувчи гидронимик индикаторлар кўп.

Хуллас, гидронимларининг лисоний шаклланишида гидронимик индикаторлар муҳим ўрин тутаяди. Гидронимик индикаторлар турли мустақил сўз туркумларига оид сўзларга қўшилиб, уларни сув объекти ва иншоот-ларининг атоқли номини ифодалашга хослайди, қўшма ва мураккаб таркибли гидронимлар таркибида бир унсур сифатида қатнашади ҳамда сув объект-ининг турини ифодалайди.

Туркий тиллардаги гидронимик индикаторларнинг салмоқли қисми тарихий-этимологик жиҳатдан туркий қатламга мансубдир. Бу, албатта, уларнинг бир боботил негизида шаклланганлиги, такомиллашганлигининг ёрқин далилидир.

#### Адабиётлар

1. Абдуллаев Ф. (1966). *Хоразм шевалари лексикаси // Ўзбек шевалари лексикаси*. – Тошкент.

## Н. Улуков. Туркий тиллардаги параллел гидронимик индикаторлар...

2. Дўсимов З. (1985). *Хоразм топонимлари*. – Тошкент: Фан.
3. Гуломов П. (1994). *Жўрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли лугати*. – Тошкент: Ўқитувчи.
4. Мурзаев Э. М. (1984). *Словарь народных географических терминов*. – Москва: Мысль.
5. Радлов В. В. (1888-1911). *Опыт словаря тюркских наречий*. СПб., (в 4 томах, 8 книгах) Т.4.
6. Донидзе Г. И. (1969). *Гидронимические термины в тюркских языках // Ономастика*. – Москва.
7. Севортян Э. В. (1976). *Этимологический словарь тюркских языков*. – Москва, – II т.
8. *Девону луготит турк (индекс-лугат)*. (1967). – Тошкент: Фан.
9. Молчанова О. (1976). *Проблемы теории и методики языка*. – Ярославль.
10. Баскаков Н. А. (1969). *Географическая номенклатура в топонимии Горного Алтая // Топонимика Востока*. – Москва.
11. Доможков Н. Г. (1957). *Заметки о слове // Ученые записки Хакасского научно-исследовательского института языка, литературы и истории*. Вып.5. – Абакан.
12. Отажоновна А. (1997). *Хоразм этнопонимлари*. – Тошкент: Фан.
13. *Ўзбек тилининг изоҳли лугати*. (2006). – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
14. Раҳматуллаев Ш. (2000). *Ўзбек тилининг этимологик лугати*. – Тошкент: Университет.
15. Юдахин К. К. (1965). *Киргизско-русский словарь*. – Москва.
16. Дмитриева Л. В. (1984). *Этимологии географических апеллятивов в тюркских и других алтайских языках // Алтайские этимологии*. – Л.
17. Қораев С. Қ. ва бош. (1979). *Географик терминлар ва тушунчалар изоҳли лугати*. – Тошкент: Ўқитувчи.
18. Жабборов Х. (2004). *Ўзбек тилининг сугориш лексикаси*. – Қарши: Насаф.
19. Ишаев А. (1977). *Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари*. – Тошкент: Фан.
20. Анатиязов С. (1973). *Отражение в топонимике природно – хозяйственных условий Туркменистана // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана*. – Л.

### Резюме

В статье говорится о гидронимах в качестве эквивалентов этимологического, фонетического и лексического вариантов части водных объектов и типов объектов, характеристик и других типов объектов, лингвистических и семантических особенностей этимологического, фонетического и лексического вариантов чтобы различать словообразующие звенья формирования турецкого языка как ономастической задачи и выделить гидронимы в определенную группу.

**Ключевые слова:** гидроним, гидронимические показатели, гидронимия, ономастическая задача, фонетический вариант, мотивация, синонимы, исторические и этимологические источники, наречие.

**(Улуков Н. Про индикаторов параллельных гидронимиков тюркских языков)**

**Özet**

Makalede gidronimler su tesislerinin bir parçası ve tesislerin tipi, karakterizasyonu ve diğer tür tesislerin gibi, sözcüksel ve anlamsal özellikleri, etimolojik, fonetik ve sözcüksel seçimler eşdeğerleri olarak yapılabilir, bir paralel gidronimik göstergeleri onomastik görev olarak Türk dilinin oluşumunu gidronim farklı sözcük birimlerinin ayırt etmek, bu tür ışık uygulama seviyesi olarak kanıtlar temelinde anlatılmıştır.

**Anahtar kelimeler:** gidronim, gidronimik gösterge, gidronimiya, onomastik görev, fonetik seçimler, motivasyon, eş anlamlı, tarihi ve etimolojik kaynağı, lehçeleri, bobotil.

**(Ulukov N. Türk Dillerinde Paralel Hidronimik Göstergeler hakkında)**